

**УМУМИЙ ВА НООРГАНИК КИМЁ ИНСТИТУТИ  
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖА БЕРУВЧИ  
DSc.02/30.12.2019.К/Т.35.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ КИМЁ-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ**

**БОБОКУЛОВ АКБАР НОСИРОВИЧ**

**МАХАЛЛИЙ ХОМ-АШЁЛАР АСОСИДА ПОТАШ ОЛИШНИНГ  
ФИЗИК-КИМЁВИЙ ВА ТЕХНОЛОГИК АСОСЛАРИ**

**02.00.13 – Ноорганик моддалар ва улар асосидаги материаллар технологияси**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2020**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси**  
**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)**  
**Content of dissertation abstract of doctor of Philosophy (PhD)**

**Бобокулов Акбар Носирович**

Махаллий хом ашёлар асосида поташ олишнинг физик-кимёвий ва технологик асослари..... 5

**Бобокулов Акбар Носирович**

Физико-химические и технологические основы получения поташа на основе местных сырьевых материалов ..... 21

**Bobokulov Akbar Nosirovich**

Physical-chemical and technological bases of obtaining potash based on local raw materials..... 39

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works ..... 42

**УМУМИЙ ВА НООРГАНИК КИМЁ ИНСТИТУТИ  
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖА БЕРУВЧИ  
DSc.02/30.12.2019.К/Т.35.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ КИМЁ-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ**

**БОБОКУЛОВ АКБАР НОСИРОВИЧ**

**МАХАЛЛИЙ ХОМ АШЁЛАР АСОСИДА ПОТАШ ОЛИШНИНГ  
ФИЗИК-КИМЁВИЙ ВА ТЕХНОЛОГИК АСОСЛАРИ**

**02.00.13 – Ноорганик моддалар ва улар асосидаги материаллар технологияси**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2018.4.PhD/T859 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Тошкент кимё-технология институтида бажарилган.  
Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида [www.ionx.uz](http://www.ionx.uz) ва «Ziyonet» Ахборот-таълим порталида ([www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Эркаев Актам Улашевич**  
техника фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Тогашаров Ахат Салимович**  
техника фанлари доктори, катта илмий ходим

**Раджабов Рўзмат**  
кимё фанлари номзоди

**Етакчи ташкилот:**

**Навоий Давлат кончилик институти**

Диссертация ҳимояси Умумий ва ноорганик кимё институти ҳузуридаги DSc.02/30.12.2019.K/T.35.01 рақамли Илмий кенгашнинг «08» октябр 2020 йил соат 10<sup>00</sup> даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100170, Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек кўчаси, 77-а. Тел.: (99871) 262-56-60; факс: (99871) 262-79-90; e-mail: [ionxanruz@mail.ru](mailto:ionxanruz@mail.ru)).

Диссертация билан Умумий ва ноорганик кимё институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин ( 14 рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100170, Тошкент шаҳри, Мирзо-Улуғбек кўчаси, 77-а. Тел.: (99871) 262-56-60.

Диссертация автореферати 2020 йил «28» сентябр куни тарқатилди.  
(2020 йил «28» сентябрдаги 14- рақамли реестр баённомаси).



**Б.С.Зокиров**

Илмий даража берувчи  
илмий кенгаш раиси, к.ф.д., профессор.

**Д.С.Салиханова**

Илмий даража берувчи  
илмий кенгаш котиби, т.ф.д., профессор.

**С.А.Абдурахимов**

Илмий даражалар берувчи илмий  
кенгаш қошидаги илмий семинар раиси,  
т.ф.д., профессор.

## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳон тажрибаси шуни кўрсатадики, кимё саноати маълум даражада илмий-техникавий тараққиётга таъсир кўрсатади ва шунинг учун унинг тараққий қилиши давлат иқтисодиётининг ривожланиш мезони ҳисобланади. Ҳозирги вақтда кимё саноатининг муҳим маҳсулоти ҳисобланган поташга катта дефицит сезилмоқда. Поташ иқтисодиётнинг кўп сохаларида қўлланилмоқда: кимё саноатида бўёқлар тайёрлаш учун, енгил саноатда териға ишлов беришда, маиший кимёда ювиш воситалари тайёрлаш учун, шиша саноатида оптик шиша ишлаб чиқарилишида, қишлоқ хўжалигида – хлорсиз калийли ўғит сифатида ва бошқа ўғитларни олишда, қурилишда бетонга музлашга қарши қўшимча сифатида, озиқ-овқат саноатида эса – 2,5 – 50 гр миқдорда озиқ-овқат маҳсулотларининг 10 та стандартида стабилизатор сифатида, бундан ташқари килограмига 70г миқдорда какао ва шоколад маҳсулотларига поташ қўшилишига рухсат берилади. Шунинг учун саноат корхоналарида турли маҳсулотлар ишлаб чиқариш жараёнларида фойдаланиш учун мўлжалланган поташ олиш технологияларини жорий этиш катта аҳамият касб этади.

Бутун дунёда поташ ишлаб чиқариш кўп ҳолларда электрокимёвий усул билан олинган калий гидроксидини карбонизациялашга ёки нефеленни энергия талаб қилувчи йирик технологияларида қайта ишлашга асосланган. Шу сабабли, поташ ишлаб чиқаришни экологик зарарсиз, энергия сарфини камайтириш имконини берадиган рационал ва иқтисодий техник ечимларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш долзарб вазифа ҳисобланади. Ушбу мақсадга эришиш учун қуйидаги йўналишлар бўйича тегишли илмий-техникавий ечимларни асослаш зарур: диэтиламин, диэтиламин гидрохлорид, калий гидрокарбонат ва калий хлоридидан иборат тўрт компонентли ўзаро таъсирлашув тизимининг графаналитик усул ёрдамида поташ олишни назарий таҳлил қилиш; калий гидрокарбонатини калий хлориди эритмасини диэтиламин иштирокида карбонизация қилиб олиш технологиясини ишлаб чиқиш.

Республикамизда кенг миқёсда амалга оширилаётган чора-тадбирлар ва инновацион ишланмалар натижасида поташ, натрий гидроксиди, калий сульфати, калий хлориди, калий нитрати, турли минерал ўғитлар ва кимёвий реагентлар ишлаб чиқариш соҳасида муайян натижаларга эришилмоқда. Ўзбекистон Республикасининг 2017-2021 йилларга мўлжалланган ҳаракатлар стратегиясининг учинчи йўналишида «...саноатни юқори технологияли қайта ишлаш тармоқларини, энг аввало, маҳаллий хом ашё ресурсларини чуқур қайта ишлаш асосида юқори қўшимча қийматли тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш...»<sup>1</sup> каби муҳим вазифалар белгилаб берилган. Бу борада, жумладан

---

<sup>1</sup>Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПФ-4947 «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича Ҳаракатлар стратегияси» тўғрисидаги Фармони.

поташ олишнинг рационал ва самарали ҳамда ресурстежамкор технологиясини ишлаб чиқиш ва жорий этиш долзарб ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ 4947-сонли «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси» тўғрисидаги Фармони ҳамда ва 2017 йил 23 августдаги ПҚ-3236-сонли «2017-2021 йилларда кимё саноатни ривожлантириш дастури тўғрисида»ги, 2018 йил 25 октябрдаги ПҚ-3983-сонли «Ўзбекистон Республикасида кимё саноатини жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ва 2019 йил 3 апрелдаги ПҚ-4265 сонли «Кимё саноатини янада ислоҳ қилиш ва унинг инвестициявий жозибадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологияларини ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VII. «Кимёвий технологиялар ва нанотехнологиялар» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Илмий-техник адабиётда иқтисодиётнинг турли соҳаларида поташни ишлаб чиқариш ва ундан фойдаланиш бўйича маълум ҳажмдаги илмий материаллар мавжуд. О.Eisa, Н.Lui, В.Zhao, S.Roman Dipling, X.Wang, X.Qian, Н.Hirano, В.А.Панасенко, Thomas H.Neuman, William W.Berry, J.Clavr Batty, А.У.Эркаев, З.К.Тоировлар каби дунё олимлари томонидан турли хил ноорганик ва органик бирикмалар асосида поташ ишлаб чиқаришнинг назарий асослари ва технологияси бўйича илмий-тадқиқот ишлари олиб борилган. Чет элда поташ олишнинг энг кенг тарқалган усули бу электролитик бўлиб, калий хлоридини электролизидан олинган ўювчи калий ишқорини карбонизация қилишдан иборат. Калий хлоридни калий хлорид эритмасида фаоллашган магний карбонати суспензиясини 5-18 атм босими остида карбонизациялаштириш орқали поташга қайта ишлаш мумкин. Калий хлориди ўрнига сода ва поташ суюқлигини ҳам карбонизация қилиш мумкин. Поташни калий хлоридини калий кремнийфториди орқали натрий фториди билан бир вақтда олиш мумкин. Сода ишлаб чиқаришнинг аммиакли усулига ўхшаш аминли усулда, яъни аммиак ўрнига турли хил аминлардан фойдаланиб олиш усули ҳам маълум. Поташ табиий калий сульфатини формиат усулида, шунингдек Леблан, цианамидли, барийли ва бошқа усуллар ёрдамида ҳам қайта ишлаб олиш мумкин.

**Диссертация мавзусининг диссертация бажарилаётган илмий-тадқиқот муассасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги.** Диссертация иши Тошкент кимё-технология институтининг илмий-тадқиқот ишлари режасининг Ф-7-31 “Денгиз ва кўл тузли қатламларининг физик-кимёвий таҳлили ва уларни комплекс қайта ишлашнинг илмий асослари” (2012-2016 йй.) фундаментал ва ИТД – 12-36 “Тюбегатан кони



сильвинитларини қўшма бойитиш усули технологиясини ишлаб чиқиш” (2014-2016 йй.) инновацион лойиҳа мавзулари доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** калий хлориди, карбонат ангидриди – азотли ўғитлар корхонаси чиқиндиси ва диэтиламин (ДЭА) асосида амин усулида поташ олиш технологиясини ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**  $\text{Et}_2\text{NH}^+$ ,  $\text{K}^+//\text{Cl}^-$ ,  $\text{HCO}_3^-$  -  $\text{H}_2\text{O}$  тизимининг назарий таҳлили ва калий бикарбонати олиш жараёни технологик параметрларини ўзгарувчанлик ораликларини аниқлаш;

диэтиламин (ДЭА) иштирокида калий хлорид эритмасини карбонизация қилиш жараёнини тадқиқ қилиш;

калий хлорид эритмасини карбонизация қилиш пайтида ҳосил бўлувчи суспензиянинг физик-кимёвий ва филтрланиш хоссалари ўрганиш;

карбонизация ва/ёки дистилляциядан кейин ҳосил бўлувчи тўйинган эритма буғлатиш жараёнини асословчи  $\text{KCl-Et}_2\text{NH}_2\text{Cl-H}_2\text{O}$ ,  $\text{KCl-CaCl}_2\text{-H}_2\text{O}$  тизимини технологик таҳлил қилиш;

поташ ишлаб чиқаришдаги тўйинган эритмадан диэтиламиннинг регенерациясини тадқиқ қилиш;

тўйинган эритмадан ДЭАни буғлатиш ва дистилляция қилиш пайтида ҳосил бўлган суспензиянинг реологик ва филтрланиш хоссаларини ўрганиш;

калий бикарбонатининг кальцинацияланиш жараёни кинетикасини тадқиқ қилиш;

поташ олиш жараёнининг технологик омилларини синовдан ўтказиш ва маҳсулотнинг товар хоссаларини аниқлаш;

поташ олиш технологик схемасини ишлаб чиқиш ва материал балансини тузиш;

“Дехқонобод калий заводи” АЖ тажриба қурилмасида ДЭА иштирокида калий хлориддан поташ олиш технологиясини синовдан ўтказиш;

ишлаб чиқарилган технология бўйича поташ ишлаб чиқаришни мақсадли ташкил қилишнинг техник-иқтисодий ҳисоблари.

**Тадқиқотнинг объекти** калий хлориди, карбонат ангидрид, диэтиламин, калий бикарбонат, калий карбонат, диэтиламмоний хлорид, аммоний хлориди, диэтиламмоний гидрокарбонат, диэтиламмонийдан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг предмети** “Дехқонобод калий заводи” АЖ калий хлориди, карбонат ангидрид – азотли ўғитлар корхоналари чиқиндиси ва диэтиламиндан поташ олишнинг мақбул технологик параметрларини ўрнатиш ҳамда принципиал технологик схемасини ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Кимёвий, рентгенографик, термик ва микроскопик таҳлил усуллари ҳисобланади.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

биринчи марта калий бикарбонат олиш технологик омилларининг мақбул ўзгариш ораликлари  $\text{Et}_2\text{NH}^+$ ,  $\text{K}^+//\text{Cl}^-$ ,  $\text{HCO}_3^-$  -  $\text{H}_2\text{O}$  ўзаро таъсирлашув тизимини графаналитик таҳлил усули билан аниқланган;

биринчи марта поташ синтезининг ишлаб чиқаришини ташкил қилувчи – карбонизация, фильтрация, буғлатиш, ДЭА регенерацияси ва кальцинация жараёнларига технологик омилларнинг ўзаро боғлиқлиги аниқланган;

0, 25, 50, 75, 100°C ҳароратлардаги  $KCl-Et_2NH_2Cl-H_2O$  ва  $KCl-CaCl_2-H_2O$  уч компонентли тизим изотермаларининг назарий таҳлиллари асосида оҳак сути билан тўйинган эритмадан дастлабки реагентлар эритмаларини карбонизациялаш ва ДЭА ни дистилляциялаш пайтида ҳосил бўлган тўйинган эритмани буғлатиш жараёнининг мақбул шароитлари аниқланган;

оралиқ бўтқа ва эритмалар реологик хоссаларининг технологик омилларга боғлиқлиги аниқланган ва калий бикарбонати кальцинация жараёни кинетикасига технологик омилларнинг таъсир қилиш хусусиятлари асосланган;

калий бикарбонат ва карбонатларининг физик-кимёвий ва товар хоссалари ва поташнинг калий хлориди, экспанзер газидан ДЭАлардан олишнинг такомиллашган технологик схемаси ишлаб чиқилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

“Дехқонобод калий заводи” АЖ калий хлориди, карбонат ангидрид – азотли ўғитлар корхоналарининг чиқиндиси ва ДЭА лардан поташ ишлаб чиқаришнинг технологик схемаси ишлаб чиқилган;

“Дехқонобод калий заводи” АЖ синов қурилмасида поташнинг тажриба партиялари ишлаб чиқарилган ҳамда маҳсулот таннарҳини камайишини таъминловчи маҳаллий хом ашёлар асосида поташ олишни аминли усулининг самарали технологиясини ишлаб чиқилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги.** Кимёвий ва физик-кимёвий (рентгенографик, дифференциаль-термик, микроскопик) таҳлил натижалари лаборатория тажрибалари ва тажриба-саноат синовлари билан тасдиқланган.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.**

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шу билан белгиланадики, калий гидрокарбонат синтези, фильтрация, буғлатиш, кальцинация жараёнларига технологик омилларнинг таъсир қилиш қонуниятларини аниқлаш орқали поташни калий хлориди, карбонат ангидрид ва ДЭАлардан ишлаб чиқаришнинг асосий физик-кимёвий ва технологик асослари билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундан иборатки, маҳсулот таннарҳини камайишига имкон берадиган маҳаллий хом ашёлар асосида поташ олиш технологияси ишлаб чиқилган. Натижада калийли ўғитлар импорти бартараф этилади ва экспорт имкониятлари очиб беришга хизмат қилади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Маҳаллий хом ашёлардан аминли усулда поташ олиш технологиясини ишлаб чиқиш бўйича олинган натижалар асосида:

калий хлорид эритмасини диэтиламин иштирокида карбонизация қилиб калий бикарбонат олиш технологияси «Дехқонобод калий заводи» АЖ да истиқболли ишланмалар рўйхатига киритилган («Ўзкимёсаноат» АЖ ни 04



сентябрь 2020 йилдаги 14-3442-сон маълумотномаси)). Натижада калий бикарбонатдан калий карбонат ва хлорсиз калийли ўғитлар олиш ассортиментини кенгайтириш имконини берган;

калий бикарбонатни кальцинация қилиб поташ олиш технологияси «Дехқонобод калий заводи» АЖ да истиқболли ишланмалар рўйхатига киритилган («Дехқонобод калий заводи» ни 07 июль 2020 йилдаги 01-021/2118- сон маълумотномаси). Натижада поташни импортини камайтириш ва халқ хўжалигини поташ билан таъминлаш имконини берган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 4 та халқаро ва 4 та республика илмий-амалий анжуманларда муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши.** Диссертация мавзуси бўйича жами 12 та илмий иш чоп этилган. Жумладан, диссертациянинг (PhD) асосий илмий натижалари 3 та илмий мақола, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий Аттестация комиссияси томонидан чоп этиш тавсия этилган журналларда 1 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертация ҳажми 119 бетни ташкил этган.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида диссертациянинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари шакллантирилган, тадқиқотнинг объект ва предметларининг аниқлиги киритилган, тадқиқотнинг Ўзбекистон Республикаси фан ва технологиялар тараққиёти устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг ишончлилиги асосланган, олинган натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти ёритилган.

Биринчи боб **“Жаҳонда ва Ўзбекистонда поташ ишлаб чиқариш ва ундан фойдаланишнинг замонавий ҳолати”**да поташнинг иқтисоднинг турли соҳаларида қўллаш, шунингдек уни олиш ва қўллашда эътиборга олиши керак бўлган физик ва кимёвий хоссалари батафсил таҳлил қилинган.

Адабиётлар маълумотларини умумлаштириш маҳаллий хом ашё асосида поташ таркиби ва олиниш технологиясини ишлаб чиқаришдан иборат бўлган диссертациянинг мақсадини шакллантиришга имкон берди.


Ушбу ва бошқа масалаларни тадқиқ қилиш реакцияга кирувчи компонентларнинг кимёсини тушунишга, маҳаллий хом ашёлар асосида поташ ишлаб чиқаришнинг мақбул технологик параметрларини аниқлашга имкон берувчи муҳим назарий ва амалий қизиқишни номоён қилади.

Адабиётлар таҳлилида диэтиламин бошқа аминларга қараганда ўзининг физик кимёвий ва таксикологик хоссалари жиҳатидан бошқа аминлардан афзаллиги ва муайян даражада аммиакга яқинлиги кўрсатилган ва ёрдамчи (катализатор) восита сифатида танланган.


Адабиётлар таҳлили натижалари асосида хулоса қилиш мумкинки, республикада поташ ишлаб чиқаришни ташкиллаштиришнинг имкониятлари мавжуд. Бунда “Деҳқонобод калий заводи” АЖ калий хлориди, карбонат ангидрид – азотли ўғитлар корхонаси чиқиндиси ва ёрдамчи материал ҳисобланган ДЭАлар поташ олиш учун асосий хом ашё манбалари бўлиб хизмат қиладилар. Кўрсатилган ушбу хом ашёлар асосида поташ ишлаб чиқариш бўйича физик-кимёвий ва технологик тадқиқотлар хали ўрганилмаган.

Иккинчи боб “**Фойдаланиладиган хом ашё ва тадқиқот усулларининг тавсифлари**”да объект таркиби ва хоссаларини тадқиқ қилиш, тажриба ўтказиш усуллари, шунингдек синтез қилинган маҳсулотларнинг кимёвий таҳлили ва физик-кимёвий тадқиқот усуллари келтирилган ҳамда ДЭА, диэтиламин гидрокарбонат, диэтиламин гидрохлорид ва реакция тизимларини аниқлашнинг графаналитик усуллари ишлаб чиқилган.

Учинчи боб “**Поташни аминли усул асосида олишнинг физик-кимёвий ва технологик асослари**” да  $KCl - CaCl_2 - H_2O$ ,  $KCl - Et_2NH_2Cl - H_2O$  уч компонентли мураккаб сув тизимининг физик-кимёвий тадқиқоти;  $Et_2NH^+$ ,  $K^+//Cl^-$ ,  $HCO_3^- - H_2O$  тўрт компонентли ўзаро таъсирлашув тизим изотермаси; ДЭА иштирокида калий хлоридининг карбонат ангидрид билан конверсияси пайтида ҳосил бўлувчи маҳсулот чиқишига ҳамда охириги ва оралиқ реакция тизимида технологик параметрларнинг таъсири қилиши, филтратни буғлатиш ва ДЭАнинг оҳак сути билан ишлов беришдан иборат дистилляция жараённининг технологик омилларини таъсирини ўрганиш натижалари келтирилган. “Деҳқонобод калий заводи” АЖда ишлаб чиқилган калий хлориди ва азотли ўғитлар корхонаси чиқиндиси – карбонат ангидриди каби маҳаллий хом ашёларидан аминли усулда поташ олишнинг имконияти ўрганилган. Мазкур усулда поташ олиш ДЭА -  $NH(R)_2$  иштирокида босим остида калий хлоридини карбонизациялашга асосланган (1)



Совутиш пайтида  $KHCO_3$  нинг кристаллари чўкади ва у диэтиламиннинг хлорид кислотали эритмасидан ажратиб олинади. Диэтиламин гидрохлорид қайта эркин диэтиламинга қуйидаги реакция (2) бўйича ҳосил бўлади:




### 1-жадвал


#### Графаналитик усул ёрдамида $KHCO_3$ нинг чиқиш унумини ҳисоблари (2-расм асосида)

№	Сув миқдори $H_2O$ моль/Σ туз моль миқдори		*Δ $H_2O$ , моль	$KHCO_3$ нинг, калий бўйича чиқиш унуми, %
	Дастлабки система (ҳисобланган)	$KHCO_3$ ажратиб олгандан сўнг (график бўйича)		
1	3,39	5,59	2,20	78,64
2	1,19	2,28	1,09	99,67
3	1,05	1,75	0,7	99,21
4	1,40	2,10	0,7	98,64

Таклиф этилаётган технология 7 та босқичдан иборат. Ҳар бир босқич учун назарий ва технологик асослар ўрганилган (1-расм).



1-расм. Поташ олишнинг блок схемаси.




2-расм. Калий бикарбонатнинг  $\text{Et}_2\text{NH}_2^+$ ,  $\text{K}^+/\text{HCO}_3^-$ ,  $\text{Cl}^-$  -  $\text{H}_2\text{O}$  ўзаро алмашинув тизими бўйича олишнинг назарий таҳлили.

$M_0$  нуқтадаги компонентлар ўзаро таъсирлашув тизимининг изотермасининг графаналитик таҳлиллари филтратда  $\text{H}_2\text{O}$  моль миқдори тузларнинг умумий молларидан 2.2 моль марта ортганини кўрсатди, яъни (филтрат) суюлиб кетади ва системада сув миқдори ортади. Бирок  $M_1$  ва  $M_2$  нуқталар орасидаги сув миқдори фарқи дастлабки тизим ва филтратда 1,09 ва 0,7 ни ташкил қилади.

$M_4$  нуқтада  $\text{KHCO}_3$  нинг чиқиши  $M_3$  га нисбатан камайган.  $\text{Et}_2\text{NH}_2\text{HCO}_3$  ва тўйинган эритмадан филтратни буғ фазали ҳайдашда  $\text{Et}_2\text{NH}$  ни  $\text{Et}_2\text{NH}_2\text{Cl}$  дан оҳакли сут иштирокида дистилляция қилиш орқали сарф миқдори кўп талаб этилади. Олиб борилган графаналитик таҳлил конверсия жараёни мақбул параметри  $\text{Et}_2\text{NH}_2\text{HCO}_3 / \text{KCl} = 1,071-1,414$  нисбатлари бўлиб, жараён ҳарорати  $30^\circ\text{C}$  дан кам эмас, сув сарфи тузларнинг умумий йиғиндисига нисбатан 1,05-1,2 га тенг. 2 жадвал, 2 ва 3- расмлардан кўриниб турибдики, калий бикарбонатнинг чиқишига ДЭА меъёри ва карбонат ангидрид газы босимининг ошиши бир хилда таъсир кўрсатади.

ДЭА иштирокида калий хлоридини карбонизацияси жараёнига  
технологик параметрларнинг таъсири

№	Карбонат ангидрид босими, кгс/см <sup>2</sup>	ДЭА меъёри, %	Суюқ фазанинг, рН	Суюқ фазанинг зичлиги, г/см <sup>3</sup>	КНСО <sub>3</sub> чиқиш унуми, %
1	0,5	100	9,04	1,060	68,90
2		133	9,14	1,055	69,48
3		147	9,21	1,041	70,92
4	2,0	53	8,35	1,110	37,10
5		67	8,40	1,085	47,89
6		100	9,14	1,055	69,00
7		133	9,25	1,040	83,44
8	4,0	147	9,31	1,045	86,08
9		100	9,26	1,065	64,46




**3-расм. Калий бикарбонати чиқиш унумининг карбонат ангидрид газ босими ва ДЭА меъёрига боғлиқлиги, %: %: 1-100, 2-133, 3-147.**

маҳсулот чиқиш унумини атиги 2,64%га оширади холос. Расмдаги АБ чизиғи ДЭА нинг берилган меъёрларида калий бикарбонатининг максимал чиқиш унумини таъминловчи  $\text{CO}_2$  нинг мақбул босимини кўрсатади.  $\Delta P=2$  атм да ва 147 % меъёрда 8-9 минут давомида  $\text{KНСO}_3$  нинг чиқиши 63% дан кўпроғига эришади, аммо реакция давомийлигининг 24 дан 40 минутгача давом этиши чиқиш унумини мос равишда 15 ва 8 % га оширади.

ДЭА нинг 100% ли меъёрида  $\text{CO}_2$  босимининг 3 кгс/см<sup>2</sup> га оширилиши  $\text{KНСO}_3$  чиқиш унумига деярли таъсир кўрсатмайди, бироқ босимнинг 4 кгс/см<sup>2</sup> гача оширилиши аксинча калий бикарбонатининг унумини 69,0% дан (2 кгс/см<sup>2</sup> да) 64,46% гача камайтиради. Бу ДЭА нинг газ фазасидан учиб чиқиш унуми ортиши билан изохланади. ДЭА меъёрининг 133% гача ортиши унинг 100% ли меъёрига нисбатан солиштирганда  $\text{KНСO}_3$  нинг чиқиш унумини, айниқса 2 кгс/см<sup>2</sup> дан ортик босимда, ошишини таъминлайди (2 жадвал, 3-расм 2-эгри чизик).

ДЭА меъёрининг 147% гача кўтарилиши калий бикарбонатининг чиқиш унумини сезилмас даражада оширади. Масалан,  $\text{CO}_2$  нинг 2 кгс/см<sup>2</sup> босимида, ДЭА нинг 100 дан 133% гача бўлган меъёрларида  $\text{KНСO}_3$  нинг чиқиш унумини 14,4% га оширади. Бироқ меъёрнинг 147% гача оширилиши

Олинган маълумотлар  $\text{CO}_2$  нинг йўқотилишини жараённинг давомийлиги ошиши билан пропорционал равишда содир бўлишини ҳисобга олиш зарурлигини кўрсатади.



**4-расм. Калий бикарбонат суспензиясининг чўкиш кинетикаси. ДЭА меъёри, %: 1-57, 2-100, 3-133, 4-147.**

4-расмда калий бикарбонат суспензиясининг чўкиш даражаси кинетикаси тўғри чизиқли ва эгри чизиқли кесимлардан иборат бўлиши кўрсатилган бўлиб, бу жараённинг иккита босқичда кечиши билан тушунтирилади. Биринчи босқичда эркин кристалланиш суяқ фазанинг қаршилигини енгиш билан содир бўлади ва бу доимий чўкиш тезлиги ҳосил бўлиши билан изоҳланади. Иккинчи босқич қатламнинг қўшимча қаршилигини енгиб ўтиш билан фарқланиб, у вақт ўтиши билан ортади ва чўкманинг юқори қатлами ҳаракатланиши тугагунча чўкиш тезлигининг

пасайишига олиб келади.

Биринчи босқичнинг иккинчи босқичига ўтиш давомийлиги АВ чизиғи билан чегараланиб, у ДЭА меъёри ортиши билан биринчи босқичнинг давомийлиги чўкиш даражасининг 51 дан 37,3% гача камайиши билан бир вақтда 60 дан 300 сек. гача ортишини кўрсатади (4-расм).

$\text{CO}_2$  нинг газдаги миқдори 28,57 дан 100% гача ортиши билан максимал ҳарорат 70 дан 75°C гача кўтарилади ва 20 минутдан сўнг ҳарорат мос равишда 25, 50°C гача камаяди. Бу ҳолат  $\text{CO}_2$  нинг газдаги миқдори ортиши билан системадаги реакцион қобилият пастконцентрацияли газдан фойдаланилганига нисбатан, дастлаб ва хатто 20 минутдан кейин ҳам ортиши билан тушунтирилади.

### 3-жадвал


#### Газдаги $\text{CO}_2$ миқдорининг калий хлоридининг ДЭА иштирокидаги карбонизация жараёнига таъсири

№	Карбонат ангидрид босими, кгс/см <sup>2</sup>	Карбонизация босқичига кирувчи газдаги $\text{CO}_2$ нинг миқдори, %	Суяқ фазанинг, рН	Суяқ фаза зичлиги, г/см <sup>3</sup>	$\text{KHCO}_3$ чиқиш унуми, %
1	2	28.57	9,92	1,053	68,4
2		37.50	9,90	1,052	78,9
3		50.00	9,54	1,048	82,3
4		62.50	9,46	1,045	84,7
5		71.42	9,31	1,043	87,2
6		99,00	9,31	1,044	85,5




3-жадвалдаги маълумотлар шуни кўрсатадики,  $\text{CO}_2$  нинг газдаги миқдори 28,87 – 50,0 % оралиқларида калий бикарбонатнинг чиқиш унумига қаттиқ таъсир кўрсатиб, бунда маҳсулот чиқиши 13,9% га, яъни 68,4 дан 82,3% гача ортади.  $\text{CO}_2$  миқдорининг 100% гача оширилиши  $\text{KHCO}_3$  нинг чиқиш унумини атиги 3,2 % га оширди. Таъкидлаш жоизки, 71,42% ли карбонат ангидрид газга нисбатан калий бикарбонат чиқиш унумини 1,7% га оширди.

Маҳсулотларнинг микроскопик таҳлиллари (5-расм) шуни кўрсатадики, 6-намуна таркибида (2-жадвал) игнасимон кристаллар ҳосил бўлади.



**5-расм. Калий гидрокарбонат намуналарининг микросуратлари. Намуна рақамлари 2-жадвалдаги рақамларга мос келади. 6-намуна**

Шунингдек, олинган калий бикарбонати рентгенографик таҳлил ҳам қилинди. Рентгенографик таҳлил натижаларига кўра олинган намуналар калий бикарбонати ва хлоридини тутиб,  $\text{KHCO}_3$  – 2,953, 2,846, 2,614 Å ҳамда  $\text{KCl}$  – 3,125, 2,214 Å чўққиларига мос келади.



**6-расм. Калий бикарбонат суспензияси қовушқоқлигини С:Қ ва ҳароратга боғлиқ ўзгарувчанлик номограммаси.**

Калий бикарбонатнинг тўйинган эритмаси билан  $\text{C:Қ} = 1:1$  нисбатларида бир марталик ювишда қолдиқ калий хлориди 5,05% ни ташкил этди. Сифатли калий бикарбонатини олиш учун  $\text{C:Қ}$  нинг нисбати 1,5 бўлиш зарурлиги аниқланган. Технологик омилларнинг суспензиянинг реологик хоссаларига таъсирини ва уларнинг ўзаро боғлиқликлари номограмма кўринишида тасвирланган (6-расм).


6-номограмма маълумотларидан кўришиб турибдики, 2:1 нисбатда ҳарорат тушиши билан система қовушқоқлиги кескин 4,3 баробар ортади. Масалан,  $\text{C:Қ}$  нинг 1,5:1 нисбатида 20°C да қовушқоқлик 57,56 сПзга етса, 40°C да эса қовушқоқлик 13,42 сПз га тенгдир.

Оддий геометрик шакллар ёрдамида  $\text{C:Қ}$  ва ҳароратнинг белгиланган қийматларида қовушқоқликни аниқлаш мумкин. Масалан,  $\text{C:Қ}=2:1$  ва 40°C ҳароратда

системанинг қовушқоқлигини аниқлаш керак бўлсин. Бу масалани ечиш учун  $a$  ( $40^{\circ}\text{C}$ ) ва  $v$  (С:Қ) нукталардан С:Қ нисбат ўқига ва ҳароратга қараб мос равишда параллел чизиқ тортамыз ҳамда  $a_1$  ва  $v_1$  нукталарини топамиз. Аниқланган  $a$ ,  $a_1$ ,  $v$  ва  $v_1$  нукталардан қовушқоқлик текислиги АВСД билан кесишгунча қовушқоқлик ўқига параллел чизиқ ўтказилади ва  $a'$ ,  $a'_1$ ,  $v'$  ва  $v'_1$  нукталари аниқланади.  $a'$ ,  $a'_1$ ,  $v'$  ва  $v'_1$  нукталардан АВ ва АД га томон симбатли эгри чизигини ўтказиб, мос равишда  $a'$ ,  $a'_1$  ва  $v'$ ,  $v'_1$  эгри чизиқларини топамиз.  $a$ ,  $a_1$  ва  $v$ ,  $v_1$  тўғри чизиқлари, шунингдек  $a'$ ,  $a'_1$  ва  $v'$ ,  $v'_1$  эгри чизиқлари мос равишда  $c$  ва  $c'$  нукталарида кесишади. Берилган шароитда  $\text{CCl}_4$  кесим изланаётган суспензия қовушқоқлигига тенг бўлиб, у 8,74 сПз га тенгдир. Жадвалдаги ва графикдаги суспензия қовушқоқликларининг фарқи 5,0% га тенг. Шундай қилиб, геометрик шаклар асосида асосида суспензиянинг қовушқоқлиги номограмма бўйича топиш мумкин.

Филтрлаш жараёнини аниқловчи асосий параметр бўлиб, филтрлаш тезлиги ҳисобланади, у ўз навбатида донадорлик таркибига, заррачалар шаклига ва системанинг С:Қ га боғлиқ. Қаттиқ фазанинг ошишин С:Қ ни 4:1 дан 1,5:1 гача камайиши чўкманинг солиштирма қаршилигининг кескин тушиб кетишига ҳамда филтрация тезлигининг 3,01 марта ошишига олиб келди. Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда, амалиётда калий хлориди конверсия даражаси 90% дан кўп бўлмаган ҳолда тўла калий бикарбонатга айланмайди. Филтратдаги қолдиқ калий хлорид таркиби, масс %:  $\text{H}_2\text{O}$  – 41,95,  $\text{K}^+$ -4,12,  $\text{Cl}^-$ -34,93,  $\text{Et}_2\text{NH}^+$ -20,53 ва  $\text{HCO}_3^-$ -24,65 бўлган эритмани буғлатиб ажратиб олинади.

Буғлатиш пайтида калий бикарбонати ва диэтиламин куйидаги реакция бўйича парчланади:



Буғларнинг конденсацияси пайтида диэтиламин гидрокарбонати қайтар реакция (3) бўйича қайта ҳосил бўлади. Ҳисоб-китобларга кўра эркин  $\text{Et}_2\text{NH}$  нинг (3) реакциясини ҳисобга олган ҳолда намуналарда мос равишда 5,25 ва 14,45 % ни ташкил этади. ДЭА ни N,N – диэтиламмонийдан регенерация қилиш учун  $(\text{C}_2\text{H}_5)_2\text{NH}^+$  ни  $(\text{C}_2\text{H}_5)_2\text{NH}_2\text{Cl}$  дан сиқиб чиқара оладиган кучли ишқорнинг таъсири муҳимдир. Бунинг учун сода ишлаб чиқаришдаги каби оҳак сутидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ.



Бу реакциянинг тезлиги  $\text{Ca}(\text{OH})_2$  нинг эриш тезлиги билан чегараланади.

Парчаланиш пайтида ҳосил бўлган ДЭА суюқликни дистилляция усулида  $95 - 100^{\circ}\text{C}$  да ўткир буғ билан қиздириб ҳайдаб олинади.

Диэтиламинни регенерация қилишда дистилляциядан олдин ёки кейин икки хил уч компонентли тизимлар ҳосил бўлиши мумкин. Берилган тизимнинг графаналитик таҳлил маълумотлари асосида буғлатиш жарёнлари таққосланади (7-8 расмлар).



$\text{Et}_2\text{NH}_2\text{Cl}-\text{KCl}-\text{H}_2\text{O}$  (8-расм) тизими эрувчанлик диаграммасида филтрат таркиби А фигуратив нуктага мос келади. Буғлатиш жараёни  $\text{VL}_2$  ёйи бўйлаб ўтади. Диаграммада шунингдек, максимал буғлатиш даражаси қолдиқ калий хлоридини чўктиришни таъминлайдиган  $L_1$  нуктагача давом қилиш зарур, у  $m_{\text{KCl}}/m_{\text{суюк}}(2\text{да})=L_1/2/L_1\text{Cга}$  тенг; буғлатиш жараёнини давом эттиришда қаттиқ фазага калий хлориди ва N,N – диэтиламмоний хлориди аралашмаси чўкмага тушади. Қаттиқ фазани ажратиб олгандан сўнг таркиби, масс %: 30,19  $\text{H}_2\text{O}$ , 69,60  $\text{Et}_2\text{NH}_2\text{Cl}$  ва 0,24  $\text{KCl}$  бўлган суюқ фаза ҳосил бўлади, карбонатлар газ фазасига тўлиқ парчаланаяди ва кейин N,N – диэтиламмоний бикарбонати ҳосил бўлиши билан конденсация жараёни содир бўлади.

Дистилляция жараёнида концентрацияси 17, 30 ва 86% дан юқори бўлган оҳак сутидан фойдаланиш мумкин. Ушбу ҳолатда  $\text{Ca}(\text{OH})_2$  нинг хлорга нисбатан 110% меъеридан фойдаланганида, биринчи навбатда у калий карбонат ва калий бикарбонат, N,N – диэтиламин билан реакциясида кальций хлориди ҳамда диэтиламин ҳосил бўлишига сарф бўлади. Бу реакциялар натижасида системада  $\text{Ca}(\text{OH})_2$  концентрациясига боғлиқ равишда  $\text{C}:\text{K} = 10,5:4,01-1$  га эга суспензия ҳосил бўлади. Суюқ фазада кальций ва калий хлоридларининг миқдори  $\text{Ca}(\text{OH})_2$  га нисбатан 17,39, 23,94, 45,78 ва 1,16, 1,60 ва 3,00 % ораликларида ўзгариб туради. Бу суюқ фазаларнинг таркиблари  $\text{CaCl}_2-\text{KCl}-\text{H}_2\text{O}$  (7-расм) эрувчанлик диаграммасига қўйилган ва  $A_1$ ,  $A_2$  ва  $A_3$  ларнинг фигуратив нукталарида жойлашади.  $A_1$  ва  $A_2$  фигуратив нукталар тўйинган эритмалар соҳасида жойлашган бўлиб,  $A_3$  фигуратив нуктаси калий хлориди кристаллари ва олти сувли кальций хлоридларининг биргаликдаги кристалланиш соҳаларида жойлашган. Бу фигуратив нукталардан  $\text{VL}_3$  нинг буғланиш ёй чизиги ўтказилган.

Диаграмма  $L_2$  нуктагача буғлатиш пайтида ҳатто  $100^\circ\text{C}$ да ҳам калий хлорид кристалларининг кам миқдорлари  $\text{C}:\text{K}=0,023$  нисбатида тушишини кўрсатади. Тажриба натижалари шуни кўрсатадики, калий хлоридини филтратдан ажратиб олиш зарурати пайдо бўлса, у ҳолда филтратни буғлатишни диэтиламинни оҳакли сут иштирокидаги дистилляция жараёнидан олдин олиб бориш керак бўлади.



Тажрибаларда буғлатиш жараёни оҳакли сут сарфини камайтириш ва реакцияга киришмаган  $\text{KCl}$  калий хлориддан фойдаланиш коэффициентини ошириш учун жараён бошига қайтариш мақсадида олиб борилди.

Берилган маълумотларни амалга ошириш филтрат буғлатилади, филтратланади калий хлориди ва буғлатилган эритма олинаяди, оҳакли сут эритмаси тайёрланади ҳамда у буғлатилган эритмага қўшилади.

Регенерация жараёнини жадаллаштириш мақсадида сўндирилган оҳак ва буғлатилмаган ҳамда буғлатилган тўйинган эритмалардан фойдаланиш тадқиқотлари олиб борилди. ДЭА регенерациясидан кейин ҳосил бўлган суспензия шламсақлашга тўғридан-тўғри жўнатилади. Келтирилган маълумотларга мувофиқ оҳакли сут иштирок этган буғлатилган эритмаларни дистилляция қилишда  $\text{C}:\text{K}=4,32-15,07:1$  га эга суспензия ҳосил бўлади. Босқичларни давомийлигини аниқлаш ва қурилмаларнинг гидродинамик

ҳисобларини ўтказиш учун С:Қ ва ҳароратнинг суспензиянинг зичлигига, қовушқоқлигига ва филтрланишига таъсири ўрганилди.

Олинган тажриба маълумотлари шуни кўрсатадики, 17%-ли охак сути ишлатилганда ҳосил бўлган суспензиянинг рН 8,9-9,5 оралиқларида ўзгариб, 34% да эса рН оралиғи 10,17-11,02 га кўтарилади. Суспензиянинг филтрланиш тезлиги ва чўкманинг намлиги мос равишда 421,13-1553,87 кг/м<sup>2</sup>\*ч ва 31,97-60,00% га тенг.




**7-расм. KCl–CaCl<sub>2</sub>–H<sub>2</sub>O диаграммадан фойдаланган ҳолда дистилляциядан кейин ҳосил бўлган суюқ фазани буғлатишнинг назарий таҳлили.**

**8-расм. Тўйинган эритмани KCl–Et<sub>2</sub>NH<sub>2</sub>Cl–H<sub>2</sub>O тизимидан фойдаланган ҳолдаги буғлатиш жараёнининг назарий таҳлили.**

Суспензия зичлиги ва қовушқоқлиги С:Қ ва ҳароратни 3:1 - 100:0 ва 20-80°C оралиқ қийматларида ўрганилди. С:Қ ва ҳароратнинг камайиши билан зичлик ва қовушқоқлик ортади ҳамда мос равишда 1,138-1,450 г/см<sup>3</sup> ва 3,177-23,33 сПз оралиқларида ўзгариб туради. Таъкидлаш жоизки, С:Қ 3:1 да насос қурилмаларида қийин узатиладиган қуюқ масса ҳосил бўлади.


Тўртинчи боб “**Модель қурилмасида калий бикарбонатининг кальцинацияси ва поташ ишлаб чиқариш технологияси синаш**” да калий бикарбонатининг кальцинация жараёнининг кинетикаси, “Дехқонобод калий заводи” АЖда ишлаб чиқилган технологияни синашнинг тадқиқот натижалари келтирилган ҳамда калий бикарбонати ва поташнинг товар хоссалари аниқланган, технологик схема ишлаб чиқилган, моддий баланс тузилган ва ишлаб чиқилган технологиянинг техник-иқтисодий кўрсаткичлари ҳисобланган.

9-расмда калий бикарбонатининг кальцинация жараёни кинетик параметрларини топиш учун ТГ- ва ДТГ-таҳлилларининг эгри чизиклари келтирилган. Олинган намунанинг қиздиришнинг эгрилик чизиғида иккита эндотермик чўққилар кузатилади. Биринчи - T<sub>max</sub> =125.8°C намунадан намликни чиқиш ҳароратига тўғри келса, иккинчиси T<sub>max</sub> =181.6°C – эса намунанинг 5% мин тезлик билан парчаланишига мувофиқ келади.




Парчаланишдаги массанинг умумий йўқотилиши 29% ни ташкил қилади. Умумий фаолланиш энергияси  $\Delta Q = -703.4 \text{ J/g}$ .

9-расм. Калий бикарбонатининг термограммаси (2-жадвал, 8-тажриба).



Калий бикарбонатининг 150, 180, 190°C даги парчаланиш кинетикаси реакция массанинг 60 минут давомидаги йўқотилишини аниқлаш орқали ўрганилди. (10-расм).



Олинган натижалар кальцинация жараёни (7) реакция бўйича кетади, берилган тартибли реакция бўйича фаолланиш энергияси 25,57 ккал/моль эканлиги топилди (5-жадвал).

10-расм. Калий бикарбонат кальцинациясининг 1-150, 2-180, 3-190°C ҳароратдаги кинетик эгри чизиқлари.

5-жадвал

Калий бикарбонатни кальцинация жараёнининг кинетик параметрлари

№	Ҳарорат, °C	K, мин <sup>-1</sup>	ln K	1/T	E, ккал/моль
1	150	0,0096	-4,64	0,00236	$-tga = \frac{E_A}{R}$ $E_A = (-tga) * R = 25,57$
2	180	0,0800	-2,52	0,00221	
3	190	0,0964	-2,34	0,00216	

Лабораторияда модель курилмада калий карбонати олиш технологиясининг тажриба синовлари, лабораторияда аниқланган, мақбул технологик шароитларида олиб борилди. Калий карбонати олиш учун ДЭА, калий хлориди ва карбонат ангидридидан фойдаланилди.


Ўтказилган тажриба синовлари натижасида калий карбонати ишлаб чиқарилди. Кимёвий ва физик-кимёвий таҳлиллар шуни кўрсатадики (6-жадвал), олинган маҳсулот таркибида 98,5% дан кам бўлмаган калий карбонат бор, у мос равишда калий бикарбонати ва поташга қўйилган ГОСТ 4143-78 ва ГОСТ 10690-73 талабларига жавоб беради.

### KHCO<sub>3</sub> ва K<sub>2</sub>CO<sub>3</sub> физик-механик хоссалари

Техник кўрсаткичлар	Техник кўрсаткичлар қиймати	
	K <sub>2</sub> CO <sub>3</sub>	KHCO <sub>3</sub>
Дастлабки намлик, %	0,92	0,72
Зичлик, г/см <sup>3</sup>	0,77	0,52
Жипслашгандаги зичлик, г/см <sup>3</sup>	1,12	1,15
Оғиш бурчаги, °	23	25
Сочилувчанлик, сек.	16,02	16,05
Гигроскопическ нукта, %	32,6	36,2
Намлик сиғими, %	4,94	5,78
10%-эритма, рН	12,28	9,46

Тадқиқот натижаларига кўра KHCO<sub>3</sub> ни реактив “Т” нави талабларига жавоб берадиган калий бикарбонат ишлаб чиқаришнинг технологик схема ишлаб чиқилган. Аминли усулда поташ олишни қуйидаги схема кўринишида тасвирлаш мумкин (11 расм). Маҳаллий хом ашё ресурслари асосида поташ ишлаб чиқаришни ташкил қилишдаги тахминий иқтисодий самарадорликни аниқлаш учун 1 тонна маҳсулотга нисбатан техник-иқтисодий ҳисоблар олиб борилган.

Ҳисоблар шуни кўрсатадики, ишлаб чиқариш ва хом ашё материаллари сарфини инобатга олган ҳолда 1 т поташнинг таннарҳи таклиф қилинаётган технология бўйича ишлаб турган усулларга нисбатан 1,5-2 баробар арзон бўлиб 6702102,3 сўмни ташкил қилди.



**Рис.11. Поташни аминли усулда ишлаб чиқаришнинг технологик схемаси:**

1-газ ювгич; 1а,2-абсорберлар; 1б-вакуум-насос; 3-дистилляцион колонна; 4-аралаштиргич; 5,17 - вакуум-филтрлар; 5<sup>1</sup>-иссиқлик алмаштиргичлар; 6 - N,N диэтиламмонийли намақоб учун совутгич, 7 - карбонизацион колонна; 8, 12 - компрессорлар; 9 - совутгичли-газтозалагич; 10 – оҳакқуйдириш печи; 11- оҳакни сўндирувчи аппарат; 13 - совутгичли-тозалагич, 14 — кальцинатор; 15 – тиндиригич; 16 – бузлатиш аппарати; 18 – конденсатор

## ХУЛОСА

Ишлаб чиқилган технология бўйича поташ ишлаб чиқаришдаги барча карбонизация, фильтрация, буғлатиш, кальцинация ва дистилляция жараёнларининг физик-кимёви ва технологик тадқиқот натижалари асосида қуйидаги умумий хулосалар шакллантирилди:

1. Тўрт компонентли ўзаро алмашинувчи тизимларини графаналитик таҳлил усули ёрдамида калий бикарбонатининг 10 ва 30<sup>0</sup>С да олишнинг технологик омилларининг мақбул ўзгартиш оралиқлари аниқланди. Калий бикарбонат унуми юқори чиқиши  $\text{Et}_2\text{NH}_2\text{HCO}_3/\text{KCl} = 1,071:1,65$ ; С:К, Н<sub>2</sub> О моль/  $\Sigma$  моль тузлар нисбатларининг оралиқлари мос равишда 0,593-0,91; 1,05-10,40 и 98,64-99,67% га тенг эканлиги билан изоҳланади.

2. Тажриба йўли орқали карбонизация жараёнидаги газдаги СО<sub>2</sub> нинг миқдори 63-72% оралиқларида, босим эса 2,3-3,1 кгс/см<sup>2</sup> бўлиши зарурлиги топилган. Бунда 25 мин давомида С:К 0,6-0,4 ва зичлиги 1,358-1,483 г/см<sup>3</sup> суспензия ҳосил бўлиб, филтрланиш тезлиги 2867,7 кг/м<sup>2</sup>\* соатга етиб, маҳсулот унуми 86-87% га тенг бўлади.

3.  $\text{KCl} + \text{Et}_2\text{NH}_2\text{Cl} - \text{H}_2\text{O}$ ,  $\text{KCl} - \text{CaCl}_2 - \text{H}_2\text{O}$  тизимининг назарий таҳлиллари асосида карбонизация ва дистилляциядан кейин ҳосил бўладиган филтратларнинг буғланиш жараёнлари таққосланди. Технологик ва иқтисодий нуқтаи назаридан келиб чиқиб карбонизациядан кейин ҳосил бўлган филтратни буғлатиш самарали бўлиши исботланган. Олинган маълумотлар ДЭА ни оҳакли сут билан ҳайдашнинг қуйидаги мақбул омилларини аниқлаш имконини берди: оҳакли сут концентрацияси ва меъёри мос равишда 34 ва 130%, жараён ҳарорати ўткир сув буғи билан қиздириш ҳисобига 95<sup>0</sup>С дан кам эмас, жараён давомийлиги – 40 мин. Бунда ДЭА нинг регенерация даражаси 95% дан кам эмас.

4. Калий бикарбонати кальцинациясининг кинетик омиллари аниқланди ва кальцинация ҳароратининг 185<sup>0</sup>С дан юқори бўлиши кинетик ва энергетик нуқтаи назаридан номақбул бўлиши топилди. Кальцинация жараёнининг фаолланиш энергияси  $E = 16,32$  ккал/моль га тенг.

5. Калий хлориди ва углерод икки оксид асосида поташ олишнинг технологик схемаси ишлаб чиқилган, моддий баланси ҳисобланган ва мақбул технологик режим тавсия этилди.

6. “Деҳқонобод калий заводи” АЖ тажриба қурилмасида маҳаллий флотацион калий хлоридидан поташ олиш технологияси синовдан ўтган. Натижада паст таннарҳли поташни аминли усул бўйича олиш имконияти кўрсатилган.

7. Ҳисоблар шуни кўрсатадики, ишлаб чиқаришга ва хом ашё материалларига кетган сарф-ҳаражатларни ҳисобга олган ҳолда 1 т поташ таннарҳи таклиф этилаётган технология бўйича 6702102,3 сўмни ташкил этди, бугунги кунда бошқа усулларда ишлаб чиқилган 1 т поташ таннарҳи нисбатан 1,5-2 баробар қимматдир.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc 02/30.12.2019.К/Т.35.01 ПО  
ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ИНСТИТУТЕ ОБЩЕЙ  
И НЕОРГАНИЧЕСКОЙ ХИМИИ**

---

**ТАШКЕНТСКИЙ ХИМИКО-ТЕХНОЛОГИЧЕСКИЙ ИНСТИТУТ**

**БОБОКУЛОВ АКБАР НОСИРОВИЧ**

**ФИЗИКО-ХИМИЧЕСКИЕ И ТЕХНОЛОГИЧЕСКИЕ ОСНОВЫ  
ПОЛУЧЕНИЯ ПОТАША НА ОСНОВЕ МЕСТНЫХ СЫРЬЕВЫХ  
МАТЕРИАЛОВ**

02.00.13 – Технология неорганических веществ и материалов на их основе

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)  
ПО ТЕХНИЧЕСКИМ НАУКАМ**

**Ташкент – 2020**



Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована под номером В2018.4.PhD/T859 Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан.

Диссертация выполнена в Ташкентском химико-технологическом институте.  
Автореферат диссертации на трёх языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице по адресу [www.ionx.uz](http://www.ionx.uz) и Информационно-образовательном портале «Ziyonet» по адресу [www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)

**Научный руководитель:**

**Эркаев Ақтам Улашевич**  
доктор технических наук, профессор

**Официальные оппоненты:**

**Тогашаров Ахат Салимович**  
доктор технических наук, старший научный сотрудник

**Раджабов Руздат**  
кандидат химических наук

**Ведущая организация:**

**Навоийский государственный горный институт**

Защита диссертации состоится «08» октября 2020 года в «10<sup>00</sup>» часов на заседании Научного совета DSc.02/30.12.2019.K/T.35.01 при Институте общей и неорганической химии по адресу: 100170, г. Ташкент, ул. Мирзо Улугбека, 77-а. Тел.: (+99871) 262-56-60; факс: (+99871) 262-79-90; e-mail: [ionxanruz@mail.ru](mailto:ionxanruz@mail.ru)

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Института общей и неорганической химии (зарегистрирована за №14). (Адрес: 100170, г.Ташкент, ул. Мирзо Улугбек, 77-а). Тел.: (+99871) 262-56-60; факс: (+99871) 262-79-90).

Автореферат диссертации разослан «28» сентября 2020 года (реестр протокола рассылки №14 от «28» сентября 2020 года).



**Закиров Б.С.**

Председатель научного совета по присуждению ученых степеней, д.х.н., профессор

**Салиханова Д.С.**

Ученый секретарь научного совета по присуждению ученых степеней, д.т.н., профессор

**Абдурахимов С.А.**

Председатель Научного семинара при научном совете по присуждению ученых степеней, д.т.н., профессор



## ВВЕДЕНИЕ

**Актуальность и востребованность темы диссертации.** Мировой опыт показывает, что химическая промышленность в определенной степени влияет на научно-технический прогресс и поэтому её развитие является критерием развития экономики государства. В настоящее время существует огромный дефицит калия, который является важным продуктом химической промышленности. Калий используется во многих отраслях экономики в качестве: химической промышленности – для изготовления красок, в легкой промышленности – для выделки кож, в бытовой химии – для производства моющих средств, в стекольной промышленности – для производства оптического стекла, в сельском хозяйстве – для производства бесхлорного калийного и других видов удобрения, в строительстве – в качестве противоморозной добавки к бетону, в пищевой промышленности – в качестве стабилизатора в 10 стандартах на пищевые продукты в количестве 2,5-50 г/кг. Кроме того, поташ разрешен к применению в продуктах из какао и шоколада в количестве 70 г/кг от сухого обезжиренного вещества. Поэтому на предприятиях, где предназначено производство различной продукции с использованием поташа, внедрение технологии его получения имеет большое значение.

Во всем мире производство поташа во многих случаях основано на карбонизации гидроксида калия, полученного электрохимическим способом или в результате переработки нефелина по энергоемкой и громоздкой технологии. В связи с этим разработка и реализация рациональной, эффективной и ресурсосберегающей технологии получения поташа является актуальной. Для достижения этой цели необходимо обосновать соответствующие научно-технические решения по следующим направлениям: теоретический анализ получения поташа графоаналитическим методом четырехкомпонентных взаимных систем, состоящих из гидрокарбоната диэтиламина, гидрохлорида диэтиламина, гидрокарбоната калия и хлорида калия, определение оптимальных условий получения гидрокарбоната калия карбонизацией раствора хлорида калия в присутствии диэтиламина.

В результате широкомасштабных мер и инновационных разработок в стране достигнуты определенные результаты в производстве сульфата, хлорида, нитрата калия, гидроксида натрия различных минеральных удобрений и химических реагентов. Третье направление Стратегии действий Республики Узбекистан на 2017-2021 годы определяет такие важные задачи, как «... производство готовой продукции с высокой добавленной стоимостью на основе глубокой переработки высокотехнологичных отраслей, прежде всего местного сырья ...»<sup>1</sup>. В связи с этим разработка и внедрение рациональных и эффективных и ресурсосберегающих технологий калийных удобрений является актуальной.

---

<sup>1</sup> Указ Президента Республики Узбекистан № УП-4947 от 7 февраля 2017 года «Стратегия действий по пяти приоритетным направлениям Республики Узбекистан в 2017-2021 годах».

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит выполнению задач, предусмотренных в Указе Президента Республики Узбекистан № УП-4947 от 7 февраля 2017 года «Стратегия действий по пяти приоритетным направлениям Республики Узбекистан в 2017-2021 годах» и в Постановлениях Президента Республики Узбекистан № ПП-3236 от 23 августа 2017 года «О программе развития химической промышленности на 2017-2021 годы», № ПП-3983 от 25 октября 2018 года «О мерах по усиленному развитию химической промышленности в Республике Узбекистан», № ПП-4265 от 3 апреля 2019 года «О мерах по дальнейшему реформированию и повышению инвестиционной привлекательности химической промышленности», а также других нормативно-правовых документах, принятых в данной сфере.

**Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики.** Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологии республики VII «Химическая технология и нанотехнология».

